БУГУНГИ СОНДА ЎҚИЙСИЗ:

• 1-бет:
● ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ: ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

• 2-бет:
● БУЕҒИ ЭНДИ КОТИБНИНГ ТАНҚИДДАН ҚАНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРИШИГА БОҒЛИҚ

• 3-бет:
● САВДОДА «ИШНИ ЎНГЛАЙМИЗ» ДЕЯ АРАВАНИ ҚУРУҚ ОЛИБ ҚОЧИШ ЕТАР ЭНДИ...

• 4-бет:
● ҲАЛОЛ, ПОК БЎЛСАК — ОЛЛОҲГА ҲАМ, БАНДАСИГА ҲАМ МАЪҚУЛ ТУШАМИЗ.

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 13 октябрь, сешанба № 201 (21.299).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ИШБИЛАРМОНЛИК—ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини ўқиб чиқдим. Айниқса, жамиятнинг иқтисодий негизларига бағишланган 12-боб диққатимни жалб қилди. Назаримда унинг мазмунини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. **Чунончи, 8-моддада мулкчиликнинг турли шакллари, ишбилармонлик ва тадбиркорлик кафолатланиши таъкидланган.** Мен бу фикрни **«Нафақат кафолатланади, балким ҳар томонлама рағбатлантирилади»** деган жумла билан тугатишни таклиф этаман. Чунки чинакам ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш учун кишиларимиз онгида инқилобий ўзгаришлар ясаш, тайёрга айёрлик кўникмасини таг-томири билан суғуриб ташлаш учун шароит яратиш керак.

Мисол учун бизнинг Қорақўлдаги матлубот жамиятлари иттифоқининг улгуржи савдо базамиз меҳнат жамоасини олайлик. Асосий вазифамиз халқ хўжалигида ишлаб чиқарилган кенг истеъмол буюмларини савдо тармоқларига тақсимлашдан иборат. Бироқ бундай буюмларнинг кўпчилиги тақчил.

Туманимизда оддий пайпоқлар анқонинг уруғи бўлиб қолган. Наҳотки, уни ўзимиз ишлаб чиқаришни йўлга қўёлмасак? Шу мақсадда шерикларни излай бошладик. Кишиневдаги «Стяуа — Рошие» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилишга розилик берди. Биз уларга хом ашё етказадиган, улар эса бизга тўқув дастгоҳлари беришадиган бўлишди.

Айни маҳалда базамизда 12 та дастгоҳ ўрнатилган. Пайпоқ тўқиш цехи ишлай бошлади. Т. Саидов, К. Сувонова, Г. Каримова, Ў. Ҳалимова сингари ёшларимиз янги касбни тез ўзлаштиришди. Дастлабки 500 жуфт пайпоқни савдога чиқардик. Келгусида вилоят меҳнаткашларини шундай маҳсулот билан тўла таъминлашга қурбимиз етади. Жамоамизда тўқувчилик ва тикувчилик цехлари ҳам ташкил этилди.

Агар ҳар бир меҳнат жамоаси хизмат вазифасидан қатъи назар, шундай йўл тутса маҳсулот тақчиллигига чек қўйилиши шубҳасиздир.

Баҳодир ИСМОИЛОВ,
Бухоро вилояти.

• *Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги олдидан*

«Ташаккур Сизга, устоз!»

Жиззах шаҳридаги Ҳ. Олимжон номли маданият ва истироҳат боғида Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳайрия ва мурувват марафони ана шундай номланди.

Бир ҳафта давом этган марафондан кўзланган мақсад кенг жамоатчиликни, ёшларни Ш. Рашидов ҳаёти, ижоди билан яқиндан таништириш, катта байрам олдидан ёзувчи асарлари асосида тайёрланаётган адабий-бадиий, мусиқали композицияларни намойиш этиш бўлди. Шу билан бирга марафонда Ш. Рашидов доимо қадрлаб келган ўқитувчи меҳнатини эъзозлаш, унинг машаққатли фаолиятига муносиб баҳо бериш тарғиб этилди. Узоқ йиллар шу соҳада ишлаган, эндиликда қарилик ғаштини сураётган кўплаб фахрийлар эсланди. Уларга моддий, маънавий ёрдамлар уюштирилди.

Марафон кунлари Ш. Рашидовнинг тенгқурлари, қариндош-уруғлари, кўп сонли шогирдлари билан ёшларнинг қизиқарли учрашувлари бўлиб ўтди

— Эътиборлиси шундаки, тадбирда ўрта таълим мактаблари жамоалари фаол иштирок этдилар, — дейди халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси раиси Э. Норматов. — Ш. Рашидов ҳаёти ва ижодига оид кўргазмалар ташкил этиб, эсдаликлар тўплаган 7, 12, 19-мактаблар марафон ғолиблари сафидан ўрин олдилар. Уларга шаҳар ҳокимиятининг эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлари топширилди.

Дарвоқе, шаҳар жамғарма банкида очилган махсус 219-ҳайрия ҳисобига бир ҳафта мобайнида 200 минг сўмга яқин маблағ тушди. Маблағнинг асосий қисми, устоз деган шарафли номга сазовор бўлган, бу номни ардоқлаб келаётган кишиларни моддий қўллаб-қувватлашга сарф этилади.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1992 ЙИЛ ҲОСИЛИ

Ҳирмонингизга БАРАКА!

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 12 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	2,21	52,55
Андижон	3,07	44,96
Бухоро	2,27	43,00
Сурхондарё	2,15	35,78
Хоразм	1,59	33,93
Наманган	3,20	33,79
Қашқадарё	2,49	26,30
Қорақалпоғистон Республикаси	1,86	22,41
Навоий	1,66	18,23
Тошкент	1,78	11,36
Самарқанд	1,49	7,48
Сирдарё	0,86	4,59
Жиззах	0,79	3,53
Республика бўйича	2,00	27,29
1991 йилдагиси	2,46	74,60

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги пахта йиғим-теримида Шаҳрихон районида пешқадамлик қилянти. Маррага яқинлашиб қолган бўлса-да хўжалик пахтакорлари ҳар куни йиллик режанинг беш фоизи миқдорида уруғлик пахта тайёрлашга эришяпти. Тошкентбой Аҳмаджонов бошлиқ бригада районда биринчилардан бўлиб йиллик режани бажарди.

Хўжаликнинг С. Ғофуров, М. Жумаев, А. Исоқов бошлиқ бригадалари ҳам йиллик режани бажариш арафасида турибди.

Шунингдек, Избоскан районидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг П. Зуққоров бошлиқ бригадаси ҳам йиллик режани бажарди. Ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олинди. Тайёрланган пахтанинг 128 тоннасини К. Буваматов ва Қ. Акбаров машинада териб берди.

— Далада ҳосил кўп, — дейди П. Зуққоров, — ҳосилдорликни 40 центнерданга етказиш имконияти бор. Ҳозир бутун кучни ана шунга қаратганмиз.

А. ҚУРОНБОЕВ.



Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро Тошкент кинофестивалида

Бу галги Тошкент фестивалининг руҳи халқларнинг ижодга, ижтимоий ва маданий тараққиётга интилишидан далолат беради. Анжуман ижоди бир-бирига жуда яқин санъаткорларнинг яна бир учрашуви учун имконият яратиб берди.

Суратда: Тошкент кинофестивалидан лавҳа.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

● Навоий вилояти районларида ҳам пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. 30 минг тонналик ҳосил ҳирмони яратишга азму қарор қилган Навбаҳор райони деҳқонлари йиғим-теримда карвонбоши.

Бунга терим техникасининг мадади туфайли эришилмоқда. Айни кунларда район хўжаликларида 45 та пахта териш машинаси юксак унум билан ишлатилмоқда. Ҳар бир машина билан ўртача 8 тоннадан хом ашё йиғиштириб олиняпти.

А. Навоий номли жамоа хўжалиги механик-ҳайдовчилари ялпи ҳосилнинг 75 фоизини бункерлардан бўшатишмоқчи. Мавсумда 150 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган Т. Маҳмудов, Э. Ёрматов, Х. Норназаров кабилар ўзаро мусобақада ғолиблик қилишяпти. Уларнинг ҳар бири ҳозирдаёқ 55—60 тоннадан ошириб пахта теришди.

М. ШАРОПОВ.

«МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИГА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла» республика хайрия жамғармасига пул маблағлари ажратиш тўғрисидаги Фармонини бажариб, республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шу жамғармага 25 миллион сўм ўтказди.

Тошкент ҳокими А. Фозилбековнинг фармойиши билан шаҳар бюджетидан шу жамғармага 5 миллион сўм пул ва битта енгил автомашина топширилди. Ёқилғи саноати, энергетика, химия ва металлургия мажмуи корхоналари «Маҳалла» жамғармасига 3 миллион 25 минг сўм ўтказишга қарор қилди. Бу жамғармага Ўзбекистон Республикаси машинасозлик мажмуи корхоналари ҳам 1 миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказишди.

Кўпгина корхоналар жамғармага пул ўтказишдан ташқари айрим маҳалла комитетларига ёрдам беришди. Жумладан, «Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси «Ўриқзор» маҳалласида клуб қурилиши учун 300 минг сўм ажратди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ

Суратда: қабул пайти.

М. БОЛТАБОЕВ олган сурат.

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Р. Л. Бхатиа ҳамда унга ҳамроҳ бўлган меҳмонлар 9 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов ҳиндистонлик меҳмонларга партия Раиси, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ва республика ҳукуматининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати, Ўзбекистон ХДПнинг ҳозирги кундаги аниқ—равшан амалий фаолияти ҳақида атрофлича ахборот берди.

Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири, ўз вақтида узоқ йиллар Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси Бутунҳиндистон қўмитасининг бош котиби вазифасида ишлаган, ҳозир ҳам партиянинг фаолларидан бири Р. Л. Бхатиа ўз партиясининг ташкилий тузилиши, ҳокимият, парламент сайловларида иштирок этиш усуллари, партия билан ҳукумат ўртасидаги муносабатлар тўғрисида батафсил гапириб берди. Ҳиндистоннинг ҳозирги ташқи сиёсати тўғрисида ҳам ахборот берилди.

М. М. Расулов Р. Л. Бхатианинг Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга доир кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Томонлар ўзаро партиявий алоқалар ўрнатиш, тажрибалар алмашиш лозимлигини маъқул топдилар.

Қабулда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби М. Қиргизбоев, котиблар — Ҳ. М. Абдурамов, А. Х. Сандов, шунингдек, Р. Л. Бхатиага ҳамроҳ бўлган Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат вакили А. Мукержи, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи муовини Ф. Тешабоев қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

● Мабодо, унутган бўлсангиз хафа бўлманг. Ҳали имкониятингиз бор. Вақтни ўтказмай яқин орадаги алоқа бўлимига ёки почтахонага боринг. Ҳозир у ерларда илгаригидек одам кўп эмас. Бирнасда ҳужжатларни расмийлаштириб беришади. Агар 1993 йил учун обуна бўлсангиз, афсусланмайсиз. Чунки:

— республикада, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги ва бошқа ҳорижий давлатлардаги энг қизиқарли ҳамда ҳаяжонли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарларни;

— мамлакат раҳбарлари, йирик олимлар, адиблар, жамоат арбобларининг долзарб мавзудаги чиқишларини;

— ўткир фельетонларни, «Ажаб савдолар»ни, «Бўлди қизиқ ҳангомалар»ни, танқидий руҳдаги рейдларни, теша тегмаган луқмаларни;

— республикамизнинг етакчи партияси бўлмиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси олиб бораётган ишлар тўғрисидаги тўла маълумотларни;

— энг яхши меҳнат жамоаларининг кишиларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тажрибаларини **ФАҚАТ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»дагина** ўқий оласиз! Айни пайтда истаган саволингизга жавоб топасиз, редакцияга қиладиган биронта мурожаатингиз эътиборсиз қолмайди.

● Яна бир муҳим томони — «Ўзбекистон овози» ҳозир республикада нашр этилаётган газеталар орасидаги **ЭНГ АРЗОН** рўзномадир. Бу ҳам ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида катта аҳамиятга эга.

Яширмаймиз, бу газета чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилмоқда. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, обуна бўлинг.

● Газетанинг бир сони — обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

● Унинг бир йиллик нархи — 384 сўм, олти ойга — 192 сўм, уч ойга эса — 96 сўм.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64583 (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна сони
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

• ХДП ҳаётидан

БИРИНЧИ КОТИБ НЕГА ОГОҲЛАНТИРИЛДИ?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган бюро мажлиси илгаригиларига нисбатан узоқроқ давом этди. Бунга сабаб бюро кун тартибига киритилган масаланинг долзарблиги ва бюро аҳлининг масалага жиддий ёндошувидир. Чунки кун тартибидаги масала ХДП Учқудуқ район кенгашининг фаолияти хусусида бўлиб, бюро йиғилиши ва шахсан кенгаш биринчи котиби Мақсуд Абдуажитов ҳисоботи тингланди. Пировардида шундай хулосага келиндики, кенгаш иши шу кун талаби даражасида эмас. Районда партия нуфузини ошириш борасида ўзибўларчиликка йўл қўйилган. Кенгашнинг бошланғич ташкилотлар билан алоқаси узилиб қолган. ...Бюро мажлиси район кенгашининг биринчи котиби Мақсуд Қайнаровични огоҳлантириш керак, деган қарорга келди.

Хўш, нима учун М. Абдуажитов огоҳлантирилди? У қарийб бир йил давомида амалий иш қилмаганми?! Биз бундай фикр юритишдан йироқдамиз. Бироқ ХДП Учқудуқ район кенгашининг амалий фаолиятини бошқа район ва шаҳарлар кенгашлари билан чоғиштирадиган бўлсак масала равшан бўлади. Чунки бошқа районларда партиянинг нуфузи борасида қатор хайрли ишлар қилинди. Бунга мисол қилиб, вилоятдаги Қизилтепа, Хатирчи, Нурота районлари кенгашларини кўрсатиш мумкин. Ҳатто, Абдуажитов огоҳлантириш олган бюро мажлисида ХДПнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсишини таъминлаган Қизилтепа район кенгашининг биринчи котиби Н. Исоқов пул мукофоти билан рағбатлантирилди. Хатирчи район кенгаши фаолияти мақталди.

ХДП Учқудуқ район кенгаши ишига баҳо берилганда унинг биринчи котиби шанига танқидий фикрлар билдирилди. Амалда шундайми-кин? М. Абдуажитов ўз ишига совуққонлик билан қарайдими? Келинг, масаланинг худди шу томонига батафсил тўхтайлик. Маълумки, Учқудуқ Навоий вилоятидаги энг олис райён бўлиб, унда турли миллат вакиллари яшашади. Бир сўз билан айтганда, шаҳарни саноатчилар, кончилар, геологлар шаҳри деб аташ мумкин. Шундай экан мазкур ҳудудда Халқ демократик партиясининг обрўси, нуфузи юқори бўлиши, ҳар бир партия ходимининг жамоада тутган ўрни ва мавқеи бўлмоғи керак.

Афсуски, районда бунинг тескариси, ХДП район кенгашининг бор ёки йўқлиги сезилмайди. ХДП аъзолари сонининг ўсишига эришилмаяпти. Партиянинг ташкилий давридаги аҳвол қандай бўлса ҳозир ҳам шундай. Атиги 15 та бошланғич ташкилот бўлиб уларга 547 нафар ХДП аъзоси уюшган, холос. Кейинги 2—3 ой давомида бирор фуқаро ёки ишлаб чиқариш илғори партияга ўтмади. Бироқ ўз аризасига биноан партиядан чиқиб кетишлар бор.

Хўш, буни қандай тушунмоқ керак? Чамаси районда Халқ демократик партиясининг Низоми ва Дастурини тарғиб қиладиган жонкуярлар йўқ. Ёхуд халқчил, чин маънодаги партиянинг бугунги сиёсатини, мустақиллик йўлидаги хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватловчи фаолият етишмайди. Бизнингча, район ҳокими В. Голованенконинг ҳам (гарчи у кенгаш бюро аъзоси бўлса-да) партияга амалий кўмаги сезилмаяпти. Агар ҳокимликдан амалий кўмак бўлганда эди районда партиянинг обрўси бу қадар тушиб кетмасди. Ўз навбатида район рўзномаси — «Достик» (Дўстлик) таҳририяти ҳам партия билан узвий алоқада эмас. Аниқроғи, рўзнома партия ҳаётини ёритишдан бутунлай ўзини четга олган.

Биз юқорида район кенгаши ва унинг активи жойлардаги бошланғич ташкилотлар билан тамомила алоқани узган, дедик. Бунга мисол қилиб, Коктепатас кон қидирув бўлинмаси ҳамда Шимолий кон бошқармаси партия ташкилотларини кўрсатиш мумкин. Масалан, Шимолий кон бошқармасида собиқ КПСС даврида 700 нафар партия аъзоси бўлса, эндиликда бу ерда 54 нафар ХДП аъзоси бор, холос. Бошқа бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Энг ачинарлиси, район кенгашининг депутатлар билан алоқаси суст. Наказлар ижросида халқ хизматкорларига амалий ёрдам кўрсатилмайди. Шунингдек, кенгаш фаоллари хўжаликларга чиқиб, давра суҳбатлари, мулоқот кечалари ўтказишмайди. Кўргазмали тарғибот-ташвиқот воситалари йўқ ҳисоби.

Сусткашлик, шу даражага бориб етганки, партиянинг ташкилий даврига қарийб ўн ой бўлсада Учқудуқда бирор ХДП аъзосининг илғор иш тажрибаси оммалаштирилмади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кекса партия фаҳрийларини эъзозлаш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Бу етмаганидек, кенгашда партия ҳужжатлари билан ишлаш, аъзолик бадалларини йиғиш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Айниқса, аъзолик билетларини топширишдаги ўзибўларчилик кўпчиликнинг энсасини қотирмоқда. Бу ерда эндигина 98 нафар ХДП аъзосига билетлар топширилди.

Хуллас бюро муҳокамасидан кейин шундай мулоҳазага келдикки, ХДП Учқудуқ район кенгашининг биринчи котиби Мақсуд Абдуажитовга берилган огоҳлантириш ҳам, унинг шаънига билдирилган танқидий фикрлар ҳам бежиз эмас. Бу ёғи энди Мақсуд Қайнаровичнинг амалий ишига, танқиддан қандай хулоса чиқаришига боғлиқ. Шундай эмасми, ҳурматли котиб?!

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЮРО МАЖЛИСИДАН СЎНГГИ МУЛОҲАЗАЛАР

ЗИЁЛИЛАРНИНГ ЯНГИ КЕНГАШИ

Сурхондарёнинг Қизириқ районида зиёлилар ҳудудий партия кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Халқ демократик партияси аъзолари бўлмиш зиёлилар иштирок қилдилар.

— Ўқитувчилар, маданият, тиббиёт ходимлари хўжалик ёки ишлаб чиқариш корхоналари партия ташкилоти ҳисобида туришганди, — дейди район кенгашининг котиби Чори Алимов. — Бу ҳол партия аъзоларининг фаоллигига салбий таъсир кўрсатиб келди. Энди улар ўз ташкилотига жипслашиб ишлайдилар.

Кенгаш котиблигига 44-мактаб муаллими Рустам Ҳуррамов сайланди. Район кенгаши янги котибга ўз бюджетидан маош тайинлади.

АМАЛИЙ ИШ УСТИВОР

Қизириқ районидаги (Сурхондарё вилояти) Охунбобоев номли давлат хўжалиги партия ташкилотида 175 фирқа аъзосига партия билети топширилди.

— Партия билетларини топширишни вилоятда биринчи бўлиб ниҳоясига етказдик, — дейди ташкилот котиби Р. Замонов. — Биз ҳужжат ишидан кўра амалий ишни, одамлар билан ишлашни устивор қўямиз.

Партия ташкилоти чиндан ҳам ҳужжат ишларини амалий иш билан қўшиб олиб бормоқда. Масалан яқинда бўлиб ўтган мажлисда ташкилот одамларни ижтимоий ҳимоялаш масаласини кўриб чиқди. Фуқароларга ғалла, сабзавот, полиз, пахта мойини арзон нархда сотишни ташкил этишга қарор қилинди. Қишга тайёргарлик кўриш юзасидан хўжалик директорининг ҳисоботи эшитилди. Механик-ҳайдовчилар, теримчиларнинг меҳнат шароитини яхшилашни ҳам партия ташкилоти ўз зиммасига олган.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Зангиота районидаги Ўртаовул ремонт-механика заводи, нон заводи, «Туркистон» жамоа хўжаликларининг партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилганлигининг бир йиллиги муносабати билан 17 октябрда шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Куни кеча Зангиота район партия кенгашининг ижроия бюросида бу ташаббус маъқулланди.

— Район партия кенгаши бугунги иқтисодий танглик даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириб халқнинг кайфиятини кўтармоқда, — деди район ҳокими Ж. Маликов. — Ноҳия бюджетидан ташқари ташкил этилган фонд ҳисобидан муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатяпмиз, янги шифохона ҳам шу фонд ҳисобидан қурилди. Барча меҳнат жамоаларида бир кунлик иш ҳақи ушбу ҳисоб жамғармасига ўтказилади. Шанбаликдан тушган маблағ ҳам кам таъминланган оиладар, ногиронлар, меҳнат ва партия фахрийларига моддий ёрдам тарзида берилади.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.



*

Аҳолини биринчи навбатдаги истеъмол моллари билан таъминлашда Жиззах сут заводи жамоаси ҳам самарали натижаларга эришяпти. Бу ерда кунига 5—6 тонна сарнёғ тайёрланиб, Жиззах шаҳри ва қўшни вилоят марказларига жўнатиляпти.

Суратда: ёғ ишлаб чиқариш цехи ишчиси Собир Ғуломов.

Суратқаш О. ҲАМЗАЕВ.

*

• Мустақиллик берган имкониятлар

РАҚОБАТ — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

● Корхонамиз 60 ёшга тўлди. Шу муносабат билан унинг ўтмиши ёдимга тушди. Дастлаб кетмон, ўроқ, омоч тайёрланган. «ЧТЗ» тракторлари таъмирланган. Уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариларди...

Кейинчалик корхона ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Замонавий бинолар қад кўтарди. Автомобиллар учун гидроцилиндрлар, фильтрлар, ер текислаш машиналари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуҳрат қозонди.

Иттифоқ барҳам топгач, корхонамиз Ўзбекистон ихтиёрига ўтди. Россияга қарамликдан қутилдик. Лекин таъминот издан чиқди. Молиявий аҳвол ёмонлашди. Қийинчиликдан қутилиш йўлларини қидириб топдик. Республика машинасозлик корхоналари орасида биринчи бўлиб бошқаришнинг янги усулига ўтилди. Кичик корхоналар ассоциациясини таъсис этдик.

Бунинг маъноси шуки, заводимиздаги барча цехлар 16 та мустақил кичик корхонага айлантирилди. Уларга ҳеч ким уни қил, буни қил, деб буйруқ бермайди. Ҳамма ўз ишини билиб қилаверади.

Илгари завод раҳбарияти эҳтиёт қисмларни келтириб бермаса, иш тўхтаб турарарди. Энди таъминот масаласини кичик корхоналарнинг раҳбарлари мустақил ҳал қиладилар. Заводда ишлаётган мутахассислар, конструкторлар, муҳандис-техник ходимларнинг ишга бўлган муносабати ва иш услуби ўзгарди. Энди улар бевосита кичик корхоналарнинг буюртмаларини бажарадиган бўлишди. Натижада иш унуми беш баравар ортди. Сабаби: уларнинг моддий манфаатдорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг харидорларга манзурлигига боғлиқ бўлиб қолди.

Кичик корхона олинган фойдани юқоридан буйруқ кутмай ўзи сарфлайверади. Яхши ишлаган ишчи кўп маош олишини билади. Ўзи учун ишлаган одам меҳнати унумли бўлади. Ўзаро шартнома асосида мустақил ишлаш оддий ишчидан тортиб директоргача — ҳамманинг масъулиятини оширди.

Ҳозир 16 та кичик корхонада 1400 ишчи ва мутахассис юқори унум билан ишлаяпти. Уларнинг маоши 1988 йилга нисбатан 12,5 баравар кўпайди. 13-маош ёнига 14, 15-маошлар ҳам қўшилди. Иш шароити яхшиланди. Кичик корхоналарнинг қайси бирига кирманг, ўзига хос саранжомсаришталикни кўрасиз. Илгари бригада бошлиғидан тортиб, завод директоригача елиб югурса ҳам бундай озодаликка эриша олмасди. Аввал ишчилар дастгоҳларини ишлатиб бўлгач, корхонани тезроқ тарк этишга шошилишарди. Энди эса иш жойини қанчалик озода сақласа, баҳри-дили очилишини, дастгоҳларни қанчалик авайлаб ишлатишса, ўзлари учун шунча фойда эканлигини тушуниб етишди. Кийим алмаштириш хоналари, ошхона, клуб намунали ҳолатга келтирилди.

Мустақиллик бошқа имкониятлар ҳам берди. Ишчи ва хизматчиларга арзон озиқ-овқат маҳсулотлари: ун, гуруч, ўсимлик ёғи, картошка ва бошқа нарсалар етказиб бериш йўлга қўйилди. Уй-жой қураётган ишчиларга айирбошлаш йўли билан ёғоч, пишиқ ғишт, шифер ва бошқа қурилиш материаллари топиб беряпмиз. Айни вақтда завод маблағи ҳисобидан 36 хонали уй қурилмоқда. Болали ишчи аёллар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қиляпмиз. Завод қошида 200 ўринли боғча бор. Унда тарбияланаётган кичкинтойларга ўзбек ва инглиз тиллари ўргатиляпти.

Мустақиллик корхонамизнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш имконини ҳам бермоқда. Иқтисодий аҳволни яхшилаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бевосита боғлиқлиги сабабли кичик корхоналар тўла таъмирланди. Замон талабига жавоб берадиган, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар ва технология линиялари ўрнатилди. Натижада гидроцилиндр, фильтрларнинг тури кўпайтирилди. Бундан ташқари 20 турда янги машина ва механизмлар, уларга эҳтиёт қисмлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар орасида халқ хўжалиги учун зарур бўлган юк кўтаргичлар, ер текисловчи машина-механизмлар, кичик ғишт заводи, ёғочни қайта ишлайдиган дастгоҳлар бор. Шоли оқлайдиган кичик қурилмалар ишлаб чиқариш тез ўзлаштирилди.

Ҳозир жаҳон бозорига маҳсулот олиб чиқиш ва чет эл фирмалари билан алоқа боғлаш тўғрисида ўйлаяпмиз. Мустақилликка эришилгандан кейин корхонамиз 70 дан ортиқ давлат билан алоқа боғлади.

Лўнда қилиб айтганда, бошқарувнинг янги усули корхонамизда онгли интизомни мустаҳкамлаш, ҳар ким ўз ишини ўзи билиб қиладиган вазиятни вужудга келтирди.

Кези келганда баъзи мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Ҳозир заводимиз давлат корхонаси ҳисобланади. Ў шахсий корхонага айлантирилиши керак. Шундагина тўла мустақилликка эришган бўламиз. Ростмана мустақилликка эришиш учун оғир саноатни ривожлантириш, унга эътиборни кучайтириш лозим. Чунки машинасозлигимизнинг ҳали ҳам Россияга боғлиқ томонлари бор. Ҳудудий машинасозлик бирлашмаси — концерн тузишимиз зарур.

Шу кунларда бизнинг корхонамиз ҳам, Андижон машинасозлик заводи ҳам ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари ишлаб чиқаряпти. «Оқёр», «Коммунар» заводлари ҳам шундай дастгоҳлар ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Агар ҳудудий бирлашма тузилса, бири иккинчисининг йўлига ғов бўлмасди.

Қудрат ПАРПИЕВ,
Андижон «Ирмаш» заводи кичик корхоналар уюшмасининг бошлиғи.

• Тадбиркорлар бор бўлсин •

ЁРДАМЧИ ТАРМОҚЛАР— ДАРОМАД МАНБАИ

— Ёрдамчи тармоқни кенгайтириш, сифатли, истеъмолбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш билан тақчилликка барҳам бериш мумкин, — дейди Хива районидаги Рўзимат Мадаминов номли жамоа хўжалиги раиси. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг фахрий академиги, ХДП аъзоси Абдушариф ака Мадраимов. — Бунга эндиликда воҳадаги барча давлат ва жамоа хўжаликлари катта эътибор беришлари керак.

Ушбу хўжаликда ўндан ортиқ ёрдамчи тармоқ мавжуд. Улар жамоа хазинасига ҳар йили кўплаб иқтисодий фойда келтирмоқда. Уларда тайёрланиб, савдо шохобчаларига чиқарилаётган қирқ хилдан ортиқ маҳсулот харидоргирлиги билан элга манзур бўлмоқда. Бундан бир неча йил олдин фойдаланишга топширилган консерва заводида ишлаб чиқариш қуввати тобора ошиб бориб, юз нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаб турибди. Бу корхона шу йилнинг ўзида жамоага олти миллион сўмдан кўпроқ даромад келтириши назарда тутилмоқда.

Беш йилча муқаддам бу ерда етти хазинанинг бири балиқчилик хўжалигига асос солинган эди. Дастлаб 50 гектарли майдонда бунёд этилган ҳавза тобора кенгайтирилди. Бугунги кунда 200 гектар ер мўмай даромад келтирадиган ёрдамчи тармоққа айлантирилди. Бултур унинг ҳавзаларидан 120 тонна балиқ овланиб, эл дастурхонига тортиқ этилди. Жамоа хазинасига кирим қилинган даромад 400 минг сўмни ташкил этади. Ёрдамчи хўжалик балиқчилари истеъмолчиларга бу йил камида 150 тонна балиқ етказиб беришга аҳд этишган. Янги нарх-наво туфайли балиқчиликдан олинадиган даромад ҳам чакки бўлмайди: тармоқ эл кассасига камида 2 миллион сўм миқдорида даромад келтиради. Ҳозирча 50 тоннага яқин балиқ савдога чиқарилди.

— Биз 1981 йилда биолаборатория қуриб, ишга туширганимиздан буён хўжаликда заҳарли кимёвий дорилар ишлатганимиз йўқ, — дейди раис. — Шундан буён қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши биологик усулда кураш олиб боряпмиз. Бу биринчи навбатда, қишлоқ аҳлининг соғлиғини муҳофаза қилишда ҳамда экологик, табиий об-ҳаво муҳитини тоза сақлашда муҳим аҳамиятни касб этмоқда. Бунинг устига хўжаликнинг ҳар йили заҳарли дориворлар сотиб олишга сарфланадиган 80—85 минг сўмлик маблағини тежаб қолиш имконини бермоқда.

Бу ерда етиштирилаётган биоматериалнинг эҳтиёждан ортиғи қўшни колхозларга, ҳатто қардош Туркманистон республикасининг Кўхна Урганч, Тошховуз туманларидаги қатор жамоа хўжаликларига ҳам сотилиб, ҳар йили ўртача 150—200 минг сўм даромад ҳам келтираётган экан.

Колхозда йилига тўрт миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаб чиқарадиган иккита завод, керамика, сим тўр тўқиш цехлари, мойжувоз, шоли ва ун тегирмонлари ишлаб турибди.

Ёрдамчи тармоқлар қишлоқ меҳнат аҳлини иш билан таъминлашда ҳам муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Айни пайтда жамоада бекор юрган бирорта одамни учратмайсиз. Хўжалик ёрдамчи корхоналарида қишлоқлик 300 нафардан ошиқ, район маҳаллий саноат комбинатининг хўжалик ҳудудидаги тикувчилик, гиламчилик филиалларида эса 300 нафардан зиёд йигит қиз иш билан таъминланган.

— Умуман, бу йил колхоздаги барча ёрдамчи тармоқлар камида 10—12 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрлаб чиқаради, бу ўртача бир жамоа хўжалиги учун озмунча қўшимча даромад манбаи эмас, — деди раис пировардида. — Эндиликда ёрдамчи тармоқларни янада кенгайтирмоқчимиз. Жумладан, яқинда балиқ дудлаш цехи ишга туширилади. Бу цех йилига юз тоннагача балиқ дудлаш қувватига эга бўлиб, яқин ҳафталар ичида ўз маҳсулотини эл дастурхонига туҳфа эта бошлайди. Икки-уч йил ичида эса италияликлар усулида томат тайёрлайдиган яна битта консерва заводини, сутни қайта ишлаш цехини қуриб ишга туширишни режалаштириб қўйдик.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

«ДЎСТЛИК» ФЕСТИВАЛИ

● АНДИЖОН

● Тўрт республика — Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ёшларининг минтақаларо «Дўстлик» фестивали Андижон вилоятининг Жалолқудуқ районида бўлиб ўтди.

Фестивалнинг биринчи босқичида ёшлар ўзаро танишдилар, шу куннинг чигал муаммолари ҳусусида фикр алмашдилар.

Фестивалнинг иккинчи босқичи район маркази Охунбобоев шаҳрида ўтди. «Дўстлик» фестивалини ўтказиш ташаббускори — Тожикистон Республикаси Ёшлар иттифоқи Жирғатол район қўмитасининг биринчи котиби Жунайдулло Эгамбердиев, Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти ёшлари гуруҳининг бошлиғи Жусуп Турдуматов, Туркманистон Республикаси Ашгабат шаҳри ва райони ёшлари гуруҳининг бошлиғи Аннақилич Авазқиличов табрик нутқи сўзлади.

Шундан кейин бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари бўлди. Фестиваль охирида жалолқудуқлик ёшлар фестиваль эстафетасини Қирғизистон Республикасидан олиб келгандан бери ўтган бир йил давомида районда ва унинг ташқарисида миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш борасида қилган ишлари ҳақида ҳисоб бердилар.

Анъанага мувофиқ «Дўстлик» фестивали 1993 йилда Туркманистон диёрида давом этади.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

● НАВОИЙ

● Қурилиш материаллари ниҳоятда қимматлашиб бораётган ҳозирги пайтда лой-пахса энг арзон қурилиш хом ашёсига айланди.

Унинг қулайлигини сезган Навбаҳор районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари кейинги икки йил ичида лой-пахсадан хўжалик бошқаруви идорасини, трактор паркини, болалар боғчасини ҳашар йўли билан тиклашди.

Яқинда хўжалик пахсачилари 50 ўринли ётоҳонани ҳам ҳашар йўли билан қуришди. Бунга бор-йўғи 30 минг сўм сарфланди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЙИЛЛИК РЕЖА БАЖАРИЛДИ

● БУХОРО

● Ғиждувон районидаги С. Айний номли жамоа хўжалигида вилоятда биринчи бўлиб уруғлик пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилди.

Шундай ҳосил етиштирилган 470 гектар майдондан минг тонна юқори сифатли хом ашё йиғиштирилиб, қабул пунктига топширилди.

Эришилган муваффақиятга Р. Қурбонов, З. Халилов, Р. Рашидов бошлиқ бригада пахтакорлари, айниқса баракали ҳисса қўшишди.

Нусратилла НАИМОВ.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари

XI Халқаро Тошкент кинофестивалида

● Кинофестивал меҳмонлари ва иштирокчиларидан бир гуруҳи.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

«ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ — БИЗНИНГ АНЖУМАН»

ҲИНД КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИ ДАВРАСИДА

● Дунёга кинематография давлати деб донг таратган, бири-биридан мароқли, юзлаб бадний картиналари билан жаҳон томошабинларини мафтун этиб келаётган Ҳиндистон — Тошкент Халқаро кинофестивалининг энг фаол, айтиш мумкинки, жонкуяр қатнашчиларидан бири. Ҳар гал навбатдаги анжуманга таклиф қоғозлари тарқатилганда биринчи бўлиб иштирок этиш истагини худди шу дўст мамлакат билдиради. Кинофестиваль экранига, бозорига энг кўп фильм тавсия қиладиган мамлакат ҳам Ҳиндистон. Унинг Тошкентга ташриф буюрадиган делегацияси ҳамма вақт кўпчиликдан иборат бўлади.

Бу гал ҳам ҳиндистонлик дўстларимиз анъаналарига содиқ қолишди. Уларнинг биринчи гуруҳи барчадан олдин пойтахтимизга етиб келди. Меҳмонлар орасида Халқаро фестивалнинг чинакам фаоллари — режиссёр Умеш Мехра, киношунос Хар Бхажан Сингх, ҳозирги ҳинд киноюлдузларидан бири Варша Синал, унутилмас Раж Капурнинг ўғли Рандхир Капур ва бошқалар бор эди. Биз уларни она заминимизда қутлар эканмиз, кинофестиваль ва унинг шарофати ҳақидаги фикрларини билишга интилдик.

Умеш Мехра: — Ватандошларим каби менга ҳам айрича қадрдон бўлган Тошкент, мустақил Ўзбекистон заминида азиз биродарларим билан яна дийдорлашиб турганимдан бахтиёрман. Биласизми, Тошкент анжумани — бизнинг анжуман. Негаки, унинг шарофати туфайли биз янгидан-янги изланишларга, аниқроғи, ўзга мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда кинолента экранлаштириш имкониятига эга бўляпмиз. Масалан, мен Тошкент кинофестивали бўлмаганида ҳеч қачон Латиф Файзиевдек моҳир санъаткор билан учрашиб, биргаликда картина ишлай олмасдим. Шунинг учун дўстим ва устозим билан ҳамкорликда суратга олган «Али бобо ва қирқ қароқчи», «Севги достони», «Овчилар» бадиий фильмларининг биринчи муаллифи Тошкент Халқаро кинофестивали деб биламан!

Имкониятдан фойдаланиб, мустақиллик қуёши нурларидан баҳраманд бўлиб турган дўстларимни чин қалбдан муборакбод этаман.

Хар Бхажан Сингх Тошкент кинофестивалининг чет элдаги энг фаол тарғиботчиси ва тадқиқотчисидир. У ўзи раҳбарлигида чиқадиган журналда Халқаро фестивалимиз ҳақида муттасил ёзиб боради. Ўзига қадрдон мавзу тўғрисида ҳатто китоблар нашр этган.

— Ғоятда масъулиятли бўлган бу умуминсоний тадбирни ўзбекистонлик дўстларимиз ниҳоят ўзлари мустақил ўтказаётганликларидан бошимиз осмонга етди, — **дейди Х. Б. Сингх.** — Ишончимиз комилки, биродарларимиз бу фестивални аввалгиларидан завқли, файзли ўтказадилар.

Варша Синал хонимни «Овчилар» бадиий фильмида кўриб, севиб қолганингизга ишонамиз.

Актриса Тунис мамлакатидан келган санъаткор ва ўзбекистонлик ҳамкасби билан уч қитъа кинофестивалининг байроғини кўтаришга муяссар бўлди.

— Шундай омадни кутганмидингиз, — деб сўрадик ундан.

— Ҳеч қачон, хаёлимга ҳам келмаган эди. Ахир, бу анжуман Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографчиларининг энг машҳур, энг нуфузли анжумани! Унда қатнашишнинг ўзи катта шараф. Халқлар дўстлиги саройи деб номланган муқаддас қасрдаги ҳаяжонли дамларни бир умр унутмасам керак. Бу шараф, тенгдошим Дилором Қамбарова иккаламизга алоҳида масъулият юклашини, яъни янада мароқлироқ роллар талқин қилиб фаолият кўрсатишимиз шартлигини ҳам ёддан чиқармаймиз.

РАНДХИРнинг дил сўзи: «Ўзбекистон овози» муштарийларига! Сизларга тинчлик ҳамиша ёр бўлсин! Чексиз эҳтиром билан,

Р. КАПУР».

To the readers of Voice of Uzbekistan
'Peace be with you always!'
love
Randhir Kapoor
Tashkent

Ҳиндистонлик кинематографчиларнинг XI кинофестивалда ғалаба қозонишларини тилаб қоламиз.

Юсуф БЕРДИЕВ.

Тақчиллик... Ҳозир ҳаммамиз грибонимиздан тутган ана шу балои-азим исканжасидамиз. Ундан қутулиш чораларини қидираяпмиз. Иншоолло, бу ишлар ижобат бўлғай. Лекин ҳозир айрим кимсалар бундан фойдаланиб қолишга, шахсий бойлик орттиришга интилмоқдалар. Ёдингизда бўлса, **газетамизнинг шу йил 25 июль, 7 август, 20 август, 12 сентябрь сонларида «Ошхонадаги очкўзлар», «Тижорат ниқобидаги қароқчилик», «Савдо: эски ҳаммом, эски тос», «Шакар операцияси» сарлавҳали танқидий мақолалар** эълон қилинган ва уларда асосан Тошкент шаҳри ҳамда вилояти савдо, умумий овқатланиш тармоқларида рўй бераётган нуқсонлар, халқ ҳақига кўз тиккан эгри қўл ва нопок савдо ходимларининг қилмишлари фош этилган эди. Бу танқидий чиқишлар турмушимизнинг оғриқ нуқталарига нишонга теккан ўқдай қадалдики, буни таҳририятга келаётган кўплаб хатлар, телефон қўнғироқларидан ҳам билиш мумкин. Муаллифларнинг аксарияти шу мавзуни давом эттириш зарурлигини илтимос қилмоқдалар. Бинобарин, танқидий чиқишларимизда қайд этилган камчиликлар бошқа вилоятларнинг савдо тармоқларида ҳам йўқ эмас..

САВДОДАГИ ҒАВҒОЛАР

ФЕЛЬЕТОН

«Ўғри бўл, ғирром бўл, лекин инсофли бўл» деган гап бор. Бу гап аввало савдо ходимларига қарата айтилганга ўхшайди. Шаҳардами, қишлоқдами — қайси дўконга кирманг, таъбингиз хира бўлиб чиқади.

Кеча бир танишимиз фиғони чиқиб гапирди. Бешкентдан эски шаҳар бозорига келган кўчма дўкон сотувчиси кастюм-шимнинг устига 500 сўм қўйиб сотибди.

— Бунча зиёд?..

— Эркин нарх, керак бўлса олинг, йўқса, ана катта йўқ...

Очиғини айтганда, ғирромликнинг катта-кичиги бўлмайди. Бу касаллик дўконлар тугул, базалар, ҳатто акционерлик жамиятларида шундай илдиз отганки... Аҳолига нормадаги озиқ-овқат маҳсулотларини нотўғри тақсимлаш, таниш-билишликка қараб бирига кўп, бирига оз ажратиш ижтимоий адолатнинг бузилишига олиб келмоқда. Хуллас, тақсимот тарозиси бузилмоқда. Узоққа бормай Қарши шаҳар озиқ-овқат акционерлик жамиятида содир бўлаётган аҳволни кўздан кечирайлик. Шу йилнинг иккинчи чорагида 18 та озиқ-овқат магазинидан 16 тасида шакар фонддагидан 29 минг 91 килограмм ортиқ, гуруч 16 та магазинда 76 минг 300 килограмм, ўсимлик ёғи 10 та магазинда 23 минг 546 килограмм, ун 12 та магазинда фонддагидан 32 минг 519 килограмм кам тақсимланган.

Пештахталар бўм-бўш бўлса-ю, боз устига омборлардаги ҳотамтойлар ўз билганларича иш тутишса, додингни кимга айтасан?! Бирники мингга, мингники туманга дейдилар. Ана шунинг оқибатида 36362 кишига шакар, 47092 кишига гуруч, 8130 кишига ун, 47092 кишига нормадаги ёғ берилмади. Аксинча, 29091 килограмм шакар, 2643 килограмм гуруч, 6844 килограмм ўсимлик ёғи, 43345 килограмм ун четга гумдон қилинган. Ахир, четдан фойда-да...

Нормалаштирилган чой ва совун тақсимотида ҳам ғирромликнинг кўли бор. Ҳатто юлғичлар сигарет тақсимотида ҳам таниш-билишчилик қилганлар. Кўпгина дўконларга 10-20 пачка, кўпи билан 100—200 пачка сигарет берилган бўлса, апрель ойида 17-магазин (мудири Раҳмонов) 5600 пачка «Космос», 15000 пачка «Астра», 38-магазин (мудири Зоҳидов), 2800 пачка «Космос», 56-магазин (мудири Хўжаҳонов) 6000 пачка «Астра», 11-магазин (мудири Шамсиддинов) май-июнь ойларида 2764 килограмм кўк чой, 510 килограмм ҳинд қора чойи, 105 килограмм олий навли қора чой, 1359 дона кир совун, 6.600 пачка сигарет олган. Ваҳолонки, бу нарсалар пештахта юзини кўрмаган.

Шаҳар озиқ-овқат акционерлик жамияти омбор мудирлари Н. Ашуров ва Х. Иброхимовнинг ҳотамтойлиги билан «Ишонч» ассоциациясига январь-май ойларида 3 миллион 309 минг 680 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилган. Бу иш август ойида ҳам давом этган. Шаҳар давлат назорати инспекцияси аралашувидан сўнггина «сахийлик»ка чек қўйилди. Савдо қоидасини бузган шахслардан 4 нафар магазин мудири ва 7 нафар сотувчини ишдан бўшатиш ҳақида шаҳар озиқ-овқат акционерлик жамиятига кўрсатма берилди. Лекин жамият уюшмаси (раиси Исмат Бозоров) уч кишини вазифасидан пасайтириш, 9 кишига ҳайфсан эълон қилиш билан чекланди. Икки кишига ҳеч қандай чора кўрилмади. Кўрилган чоралар ўта енгил — кифтини силаб қўйгандай. Масалан, 29-магазин мудири У. Йўлдошевга февраль ойида нормалаштирилган озиқ-овқатларни сотиш қоидаларини бузгани учун қаттиқ ҳайфсан берилган. Май ойида эса купонни инкассация қилиш қоидасини бузганлиги учун яна худди шундай жазоланган. 55-магазин мудири М. Алиқулов нормадаги молларни сотиш қоидасини бузгани учун февраль ойида қаттиқ ҳайфсан олган эди. Август ойида шундай ҳатога йўл қўйгани учун мукофотдан маҳрум қилиш билан сийланди. Нега бундай? М. Алиқулов кимнинг эркатойи? 7-магазин мудири Б. Муҳиддинов, 38-магазин мудири И. Зоҳидовлар икки марта, 15-магазин мудири Б. Ғофуров тўрт марта савдо қоидаларини бузганлиги учун шунчаки ҳайфсан билан жазоланганлар. Барибир, эртами-кеч ҳақиқат қарор топаркан. «Суянчиқлик» ролини аъло даражада бажарган шаҳар озиқ-овқат акционерлик жамияти раиси Исмат Бозоров амал курсисидан воз кечишга мажбур бўлди.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганлари рост. Шаҳар озиқ-овқат савдосидаги тартибсизлик қишлоқ матлубот жамиятларида содир бўлаётган хунук воқеалар олдида урвоқ ҳам эмас. Қамаши район матлубот жамияти (раиси М. Чориев) тармоқларида Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига айрим озиқ-овқат ва саноат молларини белгиланган норма бўйича сотиш, истеъмол молларини купон бўйича сотишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари қандай бажарилаётганлигини кўздан кечирдик. Текширишда Вазирлар Маҳкамаси қарори умуман бажарилмаганлиги аниқланди. Аввало шуни айтиш керакки, матлубот жамияти етти ойлик савдо режасини 96,1 фоиз бажарган бўлиб, 3 миллион 245 минг сўмлик савдо қилинмаган. 106 та магазиндан 75 тасида режа барбод бўлган.

«Ишбилармонлик»ни қаранг: кўпгина моллар омборлардан мол ташувчилар орқали эмас, дўкон мудирларининг ўзларига берилаяпти. Бу юлғич мудирларга бўрига қўзичоқни ишониб топширгандай қўл келаяпти. Мана, бир мисол. Вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувининг 25 майдаги «ВТ-81» сонли алоқа ҳатига асосан Қарши улгуржи-тижорат савдо базасидан 10 тонна шакар олиниб, пахта толаси топширган «Коммунизм йўли», «СССР 50 йиллиги» ва «Марксизм» жамоа хўжаликларининг аҳолисига сотилиши керак эди. Лекин район матлубот жамияти раисининг рухсати билан бу шакар 15 июнь куни 1315-накладной асосида «Бахт» озиқ-овқат магазини мудири Э. Ўриновга бериб юборилган. Мудир тушмагур ямламай ютадиганлар хилидан экан. Шакарни магазинда эмас, тўппа-тўғри уйига олиб кетган ва 5 тоннасини Яккабоғ шаҳридан яшовчи Ш. К. исмли кишига 41 минг сўмга сотган.

Бу қилмиши билан Ўринов қаёққа ҳам борарди. Маъмурий органлар томонидан текшириб кўрилганда унинг уйида ҳар бири 195 сўмлик 1400 дона, жами 273 минг сўмлик «Халқобод» коньяги, умуман 354,7 минг сўмлик ноёб моллар яшириб қўйилганлиги аниқланди. Ҳозирги қийин шароитда республика ҳукуматининг саъй-ҳаракати билан четдан келтирилаётган шакарни аҳолига тақсимлаш ўрнига уни бевосита бир магазинга бериб юбориш, оқибатда жиноят содир бўлишида матлубот жамияти уюшмаси раиси М. Чориевнинг шахсан айби бор.

Шу ишга тааллуқли ҳужжатлар ўрганилганда, ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлдик. Вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раисининг ўринбосари Й. Раҳматовнинг имзоси билан Қарши тижорат-улгуржи савдо базасига ва Қамаши матлубот жамиятига 25 майда юборилган ВТ-81-сонли алоқа хатда «Коммунизм йўли», «СССР 50 йиллиги», «Марксизм» жамоа хўжаликларидан пахта толаси айирбошлаш йўли билан уларга шакар бериш учун тузилган шартномага биноан 10 тонна шакар ажратишга Қамаши район ҳокимининг 117-сон хати асос қилиб олинган. Мазкур хат вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви раиси А. Муаллимов номига ёзилган бўлиб, унинг район ҳокимлигидаги нусхаси қуйидаги матндан иборат:

«Қамаши ноҳия ҳокимлиги сизга шуни маълум қиладики, аҳолига меъёр билан бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларидан айримлари етишмайди. Жумладан, шакар март ойи учун берилгани йўқ...

Шу сабабли ноҳия матлубот жамиятига шакар ажратишга амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Қамаши район ҳокими Р. Бозоров».

Хатнинг вилоят матлубот жамиятлари уюшмасидаги нусхасининг матни эса қуйидагича:

«Қамаши ноҳия ҳокимлиги Сизга шуни маълум қиладики, аҳолига меъёр билан бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларидан айримлари етишмайди. Жумладан, шакар март ойи учун берилгани йўқ. Шу сабабли ноҳия матлубот жамиятига шакар ажратишга амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Хокимият томонидан «Фарғона» совхози ва «Марксизм» жамоа хўжалиги вилоят матлубот жамияти билан ҳар бири хорижга жўнатиш учун 50 тоннадан пахта толасига шартнома тузишга келишиб олинди. Шу сабабга кўра 20 тонна шакар ажратишингизни сўрайман.

Қамаши район ҳокими Р. Бозоров».

Ушбу фактнинг ўзи Қамаши район хокимининг хати вилоят матлубот жамиятлари уюшмасида қалбакилаштирилганлигидан далолат.

Ачинарлиси шундаки, мазкур ҳужжатлар маъмурий органлар томонидан умуман текшириб кўрилмаган. Ҳужжатларни қалбакилаштириб, жиноятга қўл урган шахслар аниқланмаган. Қўзғатилган жиноий иш бўйича фақат магазин мудири Э. Ўринов суд ҳукми билан уч йил шартли қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бошқалар эса ялло қилиб юришибди.

Эҳтимол, шу боис район матлубот жамиятининг савдо дўконларида савдо қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Ноёб молларни яшириб қўйиш, устига қўйиб сотиш кенг авж олган. Жумладан, китоб магазини (мудири М. Суюнова), «Навбаҳор» универмагига қарашли аралаш моллар дўкони (мудири А. Қурбонов), 5-хўжалик моллари магазини (мудири Х. Мейлиева), 7-аралаш моллар магазини (мудири Х. Худайбердиева) сотувчилари харидорлар ҳақига хиёнат қилиб юлғичликда донғи чиққан бўлса, мана энди чанги чиқди.

Айрим савдо ходимлари ноёб молларни яшириб, четга ортиқча нархда сотишни кўзлаганлар. 2-гастроном (мудири Б. Каландаров)да 42.660 сўмлик «Астра» сигарети савдога чиқарилмасдан омборда яширилган. «Ёшлик» маҳалласи аҳолисига хизмат қилувчи 2-дўкон (сотувчиси У. Самадов)да 280 дона мармелад, Навоий номли маҳаллада жойлашган 13-аралаш моллар дўкони (мудири Н. Эшбоева)да болалар майкаси, «Нуроний» 4-дўкон (мудири А. Муҳаммадиев)да болалар этикчалари, аёллар туфлиси, қизлар юбкаси савдога чиқарилмай яшириб қўйилганлиги аниқланди. Матлубот жамияти омбори (мудири В. Сафаров)да шу йил январь ойида олиб келинган 772 сўмлик 15 дона «Урал» маркали кир ювиш машинасининг 6 донаси, ҳар бири 305 сўмлик «Киргизия» маркали кир ювиш машинасининг 2 донаси, июнь ойида қабул қилинган ҳар бири 4462 сўмлик 3 дона «Днепр» маркали оқ-қора тасвирли телевизор ҳозиргача савдога чиқарилмаган.

Савдодаги бундай тартибсизликларни санаб саноғига етиш қийин. Вилоят давлат назорати бошқармаси вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раҳбарларидан халқ ризқига чанг солаётган мудирлардан М. Суюнова, А. Қурбонов, Х. Мейлиева, Х. Худойбердиева, Б. Қаландаровни ишдан бўшатиш, район матлубот жамияти уюшмаси раиси М. Чориевни вазифасидан озод қилишни талаб этган эди. Афсуски, ҳақли талаблар қоғозда қолмоқда. Савдо раҳбарлари бир-бирларини қўллаб-қувватлаш билан овора.

Аслида «балиқ бошидан сасийди» деган гапда жон бор. Буни бошқа районларда ҳам савдода рўй бераётган нуқсонлардан англаш мумкин. Матлубот жамиятлари уюшмаси ва унинг жойлардаги раҳбарлари тегишли назорат ўрнатмаганликлари, талабчанликни бўшаштириб юборганликлари туфайли аксарият дўконларда савдо қоидалари кўпол равишда бузилмоқда. Харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, молларни яшириб қўйиш, ёрлиқларга оширилган нарх ёзиш, нормалаштирилган маҳсулотларни бошқа қишиларга сотиб юбориш одат тусига кирган.

Текшириш давомида «олғирлар»нинг қилмиши фош этилди. Ғузор районидаги Киров савдо бирлашмасининг 12-савдо дўкони мудири М. Баратов харидор Ж. Саттаровга 3 килограмм гуручни 47 сўмдан сотиб, ундан 2 сўм уриб олган. Деҳқонобод район матлубот жамиятининг 14-магазин мудири Ю. Менглиев норма бўйича бериладиган ундан 400 килограммини четга сотган. Купонсиз савдо эвазига 15-магазин мудири З. Ҳайитова харидордан 131 сўмлик савдодан 25 сўм 50 тийин, 1-магазин мудири Х. Жўраев 192 сўмлик савдодан 39 сўм 66 тийин, 10-магазин мудири Г. Алламова 64 сўмлик савдодан 8 сўм ошиқча олиб олган. 44-магазин мудири У. Мардонов харидор ҳақига 5 сўм 21 тийин хиёнат қилган. 2- ва 50-магазинларда ҳам шундай нуқсонлар аниқланди.

Қарши матлубот жамиятига қарашли 10-хўжалик моллари дўкони сотувчиси Б. Шокиров харидордан 3 сўм 60 тийин, 47-хўжалик моллари дўкони сотувчиси У. Турсунов харидордан 2 сўм 35 тийин ортиқча ҳақ олиб қолган. Шу матлубот жамиятига қарашли 44-дўкон мудири Неғматов 2400 дона Самарқандда тайёрланган чархи қўйилмаган минерал сувни омборхонада ҳужжатсиз сақлаб, унинг 1600 донасини ўзича нарх қўйиб сотган.

Яшириб қўйиш «касали» аслида Бешкент матлубот жамиятига қарашли магазинларда кенг тарқалганга ўхшайди. Чунки Бешкент марказий универмагининг оёқ кийимлар бўлими (мудири Ш. Муродов) омборида 1536 сўмлик пайпоқ савдога чиқарилмай, яшириб қўйилганлиги аниқланди. Бешкент матлубот жамиятининг 28-, 49-, 41-, 26-, 31-, 40-, 57-, 44-, Қарши матлубот жамиятининг 66-, 59-, 44-, 4-дўконларида аҳоли жон бошига бериладиган шакар, кир совун, чой ва бошқа молларнинг бир қисми уриб қолинганлигини давлат назорати ходимлари фош этишди.

Косон матлубот жамиятига қарашли 12-, 13-, 14-, 17-аралаш моллар дўконларида савдога чиқарилган маҳсулотларга нарх ёрлиғи қўйилмаганлиги сабабли сотувчилар хоҳлаган нархда сотишмоқда. «Наврўз» чакана моллар бирлашмасининг 21-аралаш моллар дўкони мудири М. Жонқобилов икки харидор ҳақидан 19 сўм 25 тийин ортиқча олиб қолган. Магазинда 450 дона қўй гўшти консервасининг ҳар бири 24 сўм ўрнига 36 сўмдан сотилган. «Астра» сигарети ҳам ортиқча нарх билан пулланаётир. Ўйлаб-ўйлаб сотувчиларга «отангни молими» дейсиз. Улар эса киприк қоқишмайди.

Китоб райони матлубот жамиятига қарашли 41-дўкон (мудири М. Носиров) сотувчилари 450 килограмм гуручни рўйхатдаги кишиларга эмас, таниш-билишларга тарқатишган. Янгиобод маҳалласида жойлашган 4-магазинда ҳам рўйхатдаги маҳсулотлар эгаларига тўлиқ сотилмай четдагиларга берилаяпти.

Кўрдингизми, кўзни лўқ қилиб, ҳар хил ноёб молларни яшириб, енг учида пуллаш авжида. Улар гўё мусобақалашаётгандай. Нишондаги 19-магазин мудири З. Худоёров, Ульянов районидаги Хўжаҳайрон қишлоғида жойлашган магазин мудири Г. Сатторов харидоргир молларни, айниқса шакар ва гуручни яшириб қўйса, Яккабоғ район матлубот жамиятига қарашли «Нилуфар» магазини, 2-озиқ-овқат, 3-атторлик, 1-саноат моллари дўконлари сотувчилари Б. Сатторов, Г. Нодиршоев, А. Тўраева, М. Магдиева, Кўқдала матлубот жамиятига қарашли 41-аралаш моллар дўкони мудири К. Бойқувватов, 1-аралаш моллар дўкони мудири Ж. Давлатов, Охунбобоев номли ишчилар кооперациясининг 1-озиқ-овқат дўкони мудири Н. Бойназаровлар нарх устига нарх қўйиб сотишда устаси фаранглардан чиқиб қолишди. Уларнинг мушугини пишт, товуғини кишт дейдиган мард киши вилоятда топилмаяпти, шекилли.

Шу кунларда нима пул бўлаяпти? Албатта, шакар билан гуруч. Усмон Юсупов райони матлубот жамиятига қарашли дўконларда ишлаётган, пулга муккасидан кетган сотувчилар бутун фикри-зикриларини шакар билан гуручни четга сотишга қаратаяптилар. Гап исботсиз бўлиб қолмасин десангиз, эшитинг. 2-озиқ-овқат моллари магазини мудири А. Хўжақулов 433 килограмм гуруч ва 400 килограмм шакарни, 3-озиқ-овқат магазини мудири Н. Холмуродов 353 килограмм гуруч ва 127 килограмм шакарни ортиқча нарх билан четга сотиб юборган. «Сиздан угина, биздан бугина» қабилида иш тутилган. Чайқовчиликни касб қилган киши отасига ҳам яхшилик қилмайди.

Эпчиллик билан иш кўриб, озиқ-овқат маҳсулотларини яшириб, баъзан нарх устига нарх қўйиб сотиш Шаҳрисабз район матлубот жамиятига қарашли кўлгина магазинларда одат тусига кириб қолган. Ҳолбуки, бир неча бор огоҳлантиришларга қарамай матлубот жамияти раиси Ш. Қудратов тегишли хулоса чиқармади. Дўконларда тартиб ўрнатмади. Ноинсофлик эса давом этмоқда. Раис эса «мен ҳақман» дея елиб-югуриб «суянчиқ»ларга ёпишиб олган. Қанийди ҳақ бўлса...

Вилоят давлат назорати бошқармаси вилоят матлубот жамиятлари уюшмасидан савдода суиистеъмолларга йўл қўйган, республика Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажармаганлиги учун Шаҳрисабз район матлубот жамияти уюшмаси раиси Ш. Қудратов, Қамаши район матлубот жамияти уюшмаси раиси М. Чориевни (иккинчи марта) лавозимида қолишқолмаслигини кўриб чиқишни қатъий сўраган эди. Лекин...

Шаҳрисабзда текширувчилар ишидан норози бўлиб ғавғо кўтарган раҳбарлар ҳам бор. Бу район ҳокими биринчи ўринбосари Ғузор Маматов. Ҳа, ўртоқ Маматов сиз ҳимояга ўтсангиз савдодаги қонунсиз ишлар учун Ш. Қудратов қачон жавоб беради? Хўш, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раиси А. Муаллимов қаёққа қараяпти? Афсуслар бўлсинки, у ҳам муросасозлик йўлига ўтиб олди ва суиистеъмолликларни хаспўшлашга уринмоқда.

Бу хатти-ҳаракати билан ўртоқ А. Муаллимов вилоятда ижтимоий-сиёсий вазиятни кескинлаштириши мумкин. Вилоят кенгашининг ўтган сессияларидан бирида депутатлардан кимдир савдо раҳбарларига қарата «Сизлар муттаҳам, ўғри, ғирром» дея катта залда зарда билан бақирганди. Савдодаги олчоқларга нисбатан одамларнинг қаҳр-ғазаби қайнаганлигини шундан ҳам билиш мумкин. Иқтисодиётда қийинчиликлар кечаётган шу кунларда одамларни моддий жиҳатдан қўллаш ўрнига уларнинг чўнтагига кўз тикиш виждондан ва инсофдан эмас, албатта. Ахир савдода, «ишни ўнглаймиз» дея аравани қуруқ олиб қочиш етар энди.

Исмоил КОЗИМОВ,
Қашқадарё вилояти давлат назорати бошқармаси бошлиғи.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Таҳририятдан: газетамизда ушбу фельетон чоп этилаётганда Қашқадарё вилояти давлат назорати бошқармасидан хабар қилишди. Шаҳрисабз ва Қамаши район матлубот жамиятлари уюшмаси раислари Ш. Қудратов ва М. Чориев ўз вазифасидан олинибди.

РЎЗҒОРГА БАРАКА КИРДИ

Гулжаҳон кичик корхонаси Марҳамат ип йигирув фабрикаси қошида ташкил этилганидаёқ бирваракайига ўттиз беш йигит-қиз ишли бўлиб қолганди.

Ярим йилда ўн хилдан зиёд янги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди. Ёшлар бугунги кунда гилам цехини ҳам ишга туширишга астойдил киришиб кетдилар. Корхонада буёқчилик, тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Келажакда гиламчилик цехи ҳам очилади.

Бу билан улар корхона имкониятини ошириш ёки маҳсулот турини кўпайтирибгина қолмасдан, ўзлари сингари яна йигирма кишини ҳам иш билан таъмин этишга ҳисса қўшадилар.

Шу тариқа йигирма хонадонда биттадан ташвиш камайди. Шунча рўзғор турмушига қут-барака кирди. Дарҳақиқат кўпчилик мушкули кўплашиб ҳал этилади. Шундай эмасми?

Ш. КЕЛДИЕВ,
Андижон вилояти.



Задарё районидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳосилни машина-механизмлар ёрдамида териб олишга эътиборни кучайтирмоқдалар. Механизаторлар беллашувида ҳайдовчи Шермуҳаммад Саидов илғорлик қиляпти. У ўз машинасида кунига 8—9 тоннадан «оқ олтин» териб, хўжалик хирмонига муносиб ҳисса қўшяпти.

Суратда: илғор механик-ҳайдовчи Ш. Саидов.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ХИТОЙЛИК ТАБОБАТЧИЛАР ТОШКЕНТДА

● ТОШКЕНТДАГИ «Саломатлик» марказида аҳоли соғлиғини муҳофаза этиш йўлида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан халқ табобати усули билан даволашга эътибор берилмоқда.

Марказнинг хорижий давлатлар билан алоқалари ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Чунончи, ўтган йили ХХРнинг Ляо-Нин вилоятидаги Цзян Чжоу шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли компания билан «Саломатлик» маркази ўртасида ҳамкорлик битими тузилган эди. Битимга кўра хитойлик халқ табобатчилари тошкентлиқларга тиббий хизмат кўрсатиши назарда тутилган.

Яқинда ана шу ҳамкорлик битимига мувофиқ Хитойдан беш нафар шифокор Тошкентга келди. Улардан тўрттаси игна билан, биттаси нуқтавий массаж ва қўл билан даволаш мутахассисидир. Бундан ташқари хитойлик табобатчилар қуйдириш, қон чиқариш ва тиббий банка билан даволаш каби усулларни ҳам қўллайдилар. Улар Хитойда танлов орқали саралланган мутахассислардир.

Хитойлик табобатчилар олти ой мобайнида беморларни даволайдилар. Ўзбек табиблари билан анъанавий ва ноанъанавий усулларда даволаш бўйича ҳамкорлик қиладилар.

Алишер РЎЗИЕВ.

Муҳаммад ЮСУФ ҳожи:

ҲАР ИШ ОЛЛОҲДАН

Муҳарририятнинг топшириви билан яқинда Андижон вилоятининг Булоқбоши районидаги Қирғизбой мачитининг имомхатиби Муҳаммад Юсуф ҳожи Бойбўтаев билан учрашиб, у кишига бир неча савол билан мурожаат қилдим. Муҳаммад Юсуф ҳожи ҳазратлари Мовароуннаҳр диния бошқармасининг раиси ҳазрат Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўғилларининг падари бузруквори бўладилар. Ул зот менинг барча саволларимга бажонидил жавоб қилдилар.



— Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг дастлабки пайтларида шундай деган экан: худонинг менга буюрган вазифаси бўлса керакки, шунча одамни менинг кетимдан сарсон-саргардон қилиб эргаштириб қўйибди. Шунинг сингари ўзлари ҳали ёш бўлсалар ҳам Муҳаммад Содиқ ҳазратларини Мовароуннаҳр мамлакатларига муфтий бўлиб сайланишида бир «СИР» бўлса керак-ку. Мана қанча-қанча уламолар, қанча-қанча ислом билимдонлари бор...

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм. Алҳамду лиллоҳи роббил оламийн. Вассалоту вассалому ало расулиҳи муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин!

Оллоҳ таоло ҳамма нарсага ўзи вакил, ўзи кафил. Нима қиламан деса қудрати етади. Бировга маслаҳат ҳам солмайди, машварат ҳам қилмайди. Оллоҳда шу улуғ сифат бор.

Бинобарин, йўқ жойдан — бир харом сувдан бино қилиб, буларнинг вужудига неча хил неъматини — тил, кўз, қулоқ, қўл, оёқ сингари аъзоларни ато қилиб, уни тургизиб-юргизиб, умр бериб, олий инсонликка айлантириб қўйибди. Буларнинг ҳаммаси Оллоҳнинг қудратидир. Агар Оллоҳ бизларга кўз бермаса кўролмаймиз, ақл бермаса фойда — зararимизни билолмаймиз, қўл бермаса бировларга ҳайр—эҳсон қилолмаймиз, оёқ бермаса касбу ҳунарларга юриб туролмаймиз. Агар танамизга жон бермаса Оллоҳнинг бу неъматига ҳам эга бўлолмаймиз. Оллоҳ берган бутун неъматини мукаммал қилиб, шу неъматлардан дунёи охират амалини қилатурган қилиб қўйгандагина бизлар ҳам дунё, ҳам охират амалини қилишга қодир бўламиз. Шу сабабларга кўра Оллоҳ барча улуғ зотларни аввал ўзи сайлайди, ундан кейин фаришталарга туширади, учинчи ўринда бандалар топиб сайлаб оладилар.

Оллоҳ таоло бандаларига буюрадиким, Оллоҳга итоат қилинглар, ундан кейин Оллоҳ юборган пайғамбарларга итоат қилинглар, ундан кейин ўз ичларингдан чиққан раҳбарларга итоат қилиб эргашинглар деб буюрган. Бундай раҳбарлар халқнинг ҳожатини чиқарадилар, халқ учун хизмат қиладилар, Оллоҳ уларнинг қалбига яхшилик уруғларини сочиб, халқ билмаган нарсаларни билдириб, халқ қилолмаган ишларни қилишга рағбатлантиради.

Шунга кўра биз ҳам дунё, ҳам охиратимизни ўйлаб, яхши туриб, яхши юриб, Оллоҳнинг раҳматига, Ватаннинг раҳматига, халқнинг раҳматига сазовор қилатурган амалларни қилиб, умримизнинг охирига қадар яхшиликни касб қилсак, қадр-қимматимизни билсак Оллоҳдан ҳам яхшилик кўрамиз деган умидимиз бор, иншооллоҳ!

— Мана, сиз ҳам неча вақтлардан бери тоатибодат билан ҳаёт кечириб келяпсиз. Фарзандларингиз ҳам худо ярлақаб ўзингизнинг йўлингиздан боришяпти. Ота-боболарингиз, ўзингиз ҳозирги мартабага қандай эришгансиз? Фарзандларингизни бу қадар оқил, билимдон ва халққа суйимчил бўлиб етишувига рағбат қилган нарса нима деб ўйлайсиз!

Алҳамдулиллоҳ, ота-боболаримиздан бўён холис юриб, холис туриб, Оллоҳ берган неъматининг шукрини қилиб, қадрини билиб, шу неъматлардан фойдаланишни касб қилиб, ҳалол хизмат билан юриб—туришни одат қилганмиз. Халққа, Ватанга ўзимиз бир яхшилик қилмасак, ҳеч ким бизни яхши ном билан тутмайди, ёмонлик қилмасак номимизни ёмон деб тутмайди. Иншооллоҳ, ёмонликдан ўзимизни доим эҳтиёт қилишга ҳаракат қилдик. Фарзандларни ҳам ёмон нарсаларга қўшмадик, ёмон йўлларга юргизмадик, ўқишларига ҳамма вақт қараб юрдик. Кечаларда ҳам буларни кам уйқу қилдик. Оқибатда худо марҳаматини дариғ тутмади. Мана, ҳеч нарсани билмаган, наннаю маммани билмаган фарзандни Оллоҳ шунча ёшга, шунча илмга етказиб, Ватан учун, халқ учун, ҳақ учун хизмат қиладиган бир одам бўлиб етишганидан Оллоҳга минг қатла шукрлар изҳор этаман.

— Мен Муфтий ҳазратларини ёшлигидан биламан. Бу кишининг бировга ёмонлик қилишини тасаввур қилолмайман. Бу кишининг ҳалол, поклигига асло шубҳам йўқ. Бироқ кейинги пайтларда туҳмат тошлари отилиб, Арабистондан келган пулларни еб кетибди, қариндош—уруғларини халқ ҳисобидан ҳажга оборибди деган гап-сўзлар тарқалганини эшитяпман. Бу гапларнинг бўҳтон эканлигига имоним комил бўлгани ҳолда сизнинг оғзингиздан эшитишни хоҳлардим.

— Иншооллоҳ, буларнинг ҳаммаси туҳматдан иборат. Бизни халқ билади. Диёримизнинг халқи ҳам, Ўрта Осиё халқи ҳам иншооллоҳ, булардан хабардор. Неча марта текширувлар бўлди, халқ буни кўрди. Ниятимиз халқимизга хизмат қилсак, унинг ҳожатини чиқарсак, уларнинг азиятини кеткизсак. Оллоҳ бизга ҳам меҳрибонлик қилар деган умид билан яшаб турибмиз. Ватанимизни бутун дунёга яхшилик билан танитиш учун ҳаракатимиз бор. Бунинг учун орамизда бўҳтончилар, ҳасадгўйлар, ғаразгўйлар бўлмаганн яхши. Халққа, мўмин-мусулмонларга бошчи бўлиб, уларни тўғриликка, инсофга чорлаш учун аввал ўзимиз инсофли бўлишимиз керак, бизлар тўғри юришимиз керак, одобу ахлоқимизни чиройли қилишимиз керак. Агарда бизларда инсоф бўлмаса, бизларда яхши ниятлар бўлмаса, бизларни кўриб халқ ибрат олмаса биз ким деган одам бўламиз! Шунинг учун бизнинг бутун бола-чақамиз билан ният-мақсадимиз — халқимизга, Ватанимизга баҳоли қудрат хизмат қилиб, Имом Бухорий, Имом Термизий, Навоий, Ибн Синоларга ўхшаб, дунёда яхшилик билан ном қолдириш, Ўзбекистонимизнинг мартаба мақомини янада кўтариш, республика раҳбарларимизнинг дунё олдида раҳмат олишига холисона хизмат қилишдан иборатдир.

— Тақсир, мана шу мачитда, битта жойда, битта вазифада неча йиллардан бери халққа, мусулмонларга хизмат қилиб келяпсиз. Қавмларнинг сизга бўлган ҳурмат-эътибориҳи қандай баҳолайсиз!

— Алҳамдулиллоҳ, бу мачитга келган вақтимда баъзи кишилар икки ой туролмайсиз деган фикрни айтган эдилар. Ўшанда мен ўзим ҳам шу икки ой турмагани келганман дегандим. Оллоҳга шукрларким, Оллоҳ таоло ризқимни зиёд қилган экан, мана ўттиз уч йилдан ошди, шу битта Булоқбоши мачитида хизматим давом қиляпти. Оллоҳга шукр, биронта мўмин мени хафа ё ҳижолат қилгани йўқ, мен ҳам бирон кишига озор етказганим йўқ. Бир неча бор диний идораларга бориб, энди менга рухсат беринглар, менга шунча ишлаганим кифоя, дедим. Аммо номозхонлар ҳамон мени талаб қилиб, рухсат беришмаяпти. Бу ҳурматга ношукрлик қилишни ўзимга эп кўрмай хизматимни давом эттирмоқдаман.

— Суҳбатингиз учун раҳмат, Оллоҳ бундан буён ҳам имонингизни басаломат қилсин. Омон бўлинг, тақсир!

Суҳбатни «Ўзбекистон овози»нинг ўз мухбири Рустам РАҲМОН олиб борди.

ҚЎШМА КОРХОНА

● Қўқонда Хитой—Ўзбекистон қўшма корхонаси ишга тушди. Собиқ Янгиқўқон кимё заводи ўрнида ташкил топган «Рустам» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Хитойнинг Кун Тун шаҳридаги Нун Кун компаниясига қарашли тикувчилик фабрикаси замонавий кийим-кечаклар тайёрлайдиган корхонани биргаликда қурдилар.

Корхонага 2 миллион доллардан ортиқ маблағ эвазига келтирилган энг замонавий бичиш-тикиш, дазмоллаш асбоблари, Хитойда тайёрланган 180 та тикув машинаси ўрнатилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, корхона аввал 1 миллион дона спорт костюмлари, аёллар ички кийимлари ишлаб чиқаради. Унинг йиллик маҳсулоти ярим миллиард сўмликни ташкил этади. Корхона келажакда Ўзбекистоннинг ўзида етиштириладиган хом ашё эвазига ишлайдиган бўлади. Айни пайтда хитойлик мутахассислар қўқонлик ишчиларга янги дастгоҳларда ишлашни ўргатмоқдалар.

Алишер ИБОДИНОВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ОЙДИН ҲОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА.

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУҚЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

● МИРЗА КАРИМ: «МОҲЛАРОЙИМ» РОМАНИДАН ПАРЧАЛАР.

● АЖАБ САВДОЛАР: «ПИЕЗНИ ҲАМ СОВУҚ УРСА-Я...».

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Агар Сиз шахсий компьютер нималигини билмасангиз ва уни юқори даражадаги малака билан ишлата олмасангиз XX асрнинг сўнгги беш йиллигида ўз ишининг ҳақиқий мутахассиси бўлишингизни тасаввур қилишингиз қийин.

Бизнинг ўқув-ахборот марказимиз Сизга бу муаммоларни хал этишга ёрдам беради.

Биз барча тармоқлардаги мутахассисларга ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолиятида ҳамда программалаш воситаларида компьютерлардан фойдаланишнинг нафақат МДҲ, балки чет эл фирмаларида кенг қўлланилаётган энг замонавий йўналишлар бўйича ўқувни таклиф этамиз. Корхоналар исталган зарур йўналишга кўра группаларни ва алоҳида мутахассисларни ўқитиш учун биз билан шартнома тузишлари мумкин.

Биз фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда катта ва кичик бизнес вакилларига компьютерларни ўзлаштиришга ёрдам берибгина қолмай, балки кўплаб бошқа қўшимча ёрдам кўрсатишга ҳам тайёрмиз.

Йигитлар ва қизлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари! Сиз бизнинг марказимизда замонавий ва истиқболли мутахассисликни эгаллашингиз мумкин.

Ўқувчилар! Марказимиз Сизларга янги олам — барча учун қизиқарли бўлган, ҳам компьютер ўйини, ҳам энг замонавий тилларда программалаштириш оламини кашф этади.

Сизларнинг ҳаммаларингизни Тошкент шаҳрининг қоқ марказида жойлашган замонавий компьютер синфлари кутмоқда. Машғулотлар группалар жамлангандан сўнг бошланади.

Телефонлар: 33-80-15, 34-23-16.

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОНЦЕРНЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«Роснефтмаҳсулотлари» концерни хабарига кўра, шу йил 15 октябрдан бошлаб Россия Федерацияси ҳудудида барча автотранспорт турларига ёнилғи фақат нақд пулга сотилади.

Зудлик билан керакли чора кўришингизни сўраймиз.

«ЎЗДАВНЕФТМАҲСУЛОТЛАРИ» АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ.

ТОШКЕНТ СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ ТУГАТИЛАДИ

Даъволар — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: 700137, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли, 54.

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАПЛАР • МУТАСАДДИ • FIDE • МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ

САИДХОНОВ КИМ ЭДИ?

● Тўртинчи расмий жаҳон чемпиони Александр Алёхин билан Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони Азмиддин Хўжаевнинг тенгдоши Пўлатхон Саидхонов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган танлов шартлари ва дастлабки икки топшириқ билан муштарийларни таништирган эдик. Бугун танлов сабабкори машҳур шатранж устаси Пўлатхон Саидхоновнинг ижод йўли ҳақида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.

1927 йил Саидхонов Москвада ўтказилган касаба уюшмаларининг Иттифоқ биринчилигида қатнашиб, ярим финалда бир марта ҳам ютқазмади, жадвалнинг энг юқорисидан жой олди, финалда эса мастер Панов устидан ажойиб тарзда ғалаба қозонди. Дуз-Хотимирскийнинг гувоҳлик беришича, Саидхонов бу ўйинга ҳаммаси бўлиб икки-уч дақиқа вақт сарфлаган. Бундай қисқа вақт ичида ўзидан кучли рақибни енгиш қобилияти камдан-кам шахматчида бўлади.

Шу мусобақаларга якун ясалганда машҳур шатранж усталари Саидхонов ҳақида анчагина илиқ гапларни айтишган эди. Чунончи, Ильин Женевский шундай деганди:

— Миллий кийимда ўйнаган Саидхонов бу мусобақанинг кўркам иштирокчиси бўлди. У рус тилини билмайди, шахмат назариясидан бехабар. Шунга қарамай, ўзига хос ёркин қобилияти унга бир неча учрашувларда эсда қоладиган ютуқларни қўлга киритиш имконини берди.

Алёхиннинг устозларидан бири Дуз-Хотимирский:

— Эндшпилларни жуда соз ўйнайди: қийин вариантларни тез ва аниқ ҳисоблаб чиқиши кишини ҳайратда қолдиради. Унинг юришлари кутилмаган ҳодиса... Шахмат марказларидан минглаб чақирим йироқда яшовчи, назариядан унчалик хабари бўлмаган, халқаро қоидаларни ўзлаштиришга эндигина улгурган бу ўзбек йигити Москвага келиб, ажойиб ўйин кўрсатди. Москвалик, ленинградлик биринчи тоифали шахматчиларнинг кўзини очирмади. Шиддатли комбинациялар билан ҳаммани ўзига ром қилди. Пўлатхон Саидхонов, шубҳасиз, ноёб қобилият соҳибидир...

Гарчи бу баҳолар ўзбек шахматчиларини илк бор Иттифоқ миқёсида танитган Пўлатхон Саидхоновга берилган бўлса-да, аслида у, қулоч ёзиб келаётган республикамиз шахмат жамоатчилиги шаънига айтилган сўзлар эди. Республикамизда шахматчилик ҳаракатининг илк жонбозларидан бири Пўлатхон Саидхоновни ҳамма устоз, деб билади. У 1950 йили 58 ёшида она шаҳри Қўқонда вафот этди. Танловимиз унинг руҳини шод этар, деган умиддамиз.

ТАНЛОВНИНГ 3 ВА 4-ТОПШИРИҚЛАРИ





ШАРТИ: оқлар бошлаб, 2 юришда мот қилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 тадан очко берилади.

Улоқ. В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ТРАВМАТОЛОГ-ОРТОПЕДЛАР АНЖУМАНИ

● Шу кунларда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси травматолог-ортопедларининг чет эллик мутахассислар иштирокида V съезди ўз ишини якунлади. Ў Республика Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг олтмиш йиллиги ҳам нишонланган кунларда ўтмоқда.

Ҳозирги пайтда институт илмий изланиш, даволаш ва ўқув маркази сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда янги клиника ва лабораториялар ташкил этилиши, айни муддао бўлди. Унинг ходимлари аҳолига травматология-ортопедия ёрдами кўрсатишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида травматизмнинг тиббий томонларини, аралаш жароҳатларни даволаш диагностикасини, болаларда таянч ҳаракат системасининг туғма ва орттирилган деформацияларини ўрганиш, даволаш муаммолари билан шуғулланмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан институт даволаш, консультатив ёрдам кўрсатиш ва илмий ишларни амалиётга татбиқ этиш бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамда республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил саноат корхоналари билан шартномалар тузмоқда ва шу асосда иш олиб бормоқда. Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда институт олимлари Илизаров аппаратига ўхшаш янги даволаш услублари билан ишлаб чиқдилар. Янгиликлардан яна бири суяк синганда ишлатиладиган босиш-чўзиш аппаратининг яратилишидир.

Бунга ўхшаш яна қатор янгиликлар, травматология ва ортопедия соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар хусусида съезд иши кунларида кенг фикрлашиб олинди.

Т. ҲАСАНОВ, тиббиёт фанлари номзоди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Жумҳурият улгуржи-чакана «Олмос» савдо бирлашмаси жамоаси Наманган шаҳридаги 12-дўкон мудири М. Мирбобоевнинг отаси

Улмасхон МИРБОБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод районидаги Муқимий номли 143-ўрта мактаб жамоаси мактабнинг кекса ўқитувчиси, меҳнат фахрийси

Баҳринисо РАСУЛОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг онла аъзоларига ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади, ҳамдардлик билдиради.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси институт Халқ мусиқаси кафедрасининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

М. А. ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига ва қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Алгоритм» илмий текшириш институти жамоаси институт директори, профессор О. М. Набиевга отаси академик

Малик Набиевич НАБИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ҳаёт ва иқтисод» — «Жизнь и экономика» журналлари жамоаси шу журналларнинг Бош муҳаррири Исмат Хушевга онаси

ҲИДОЯТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Марҳуманинг қариндош уруғ ва бошқа яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг жамоаси институт катта илмий ходими Д. Саидовага акаси

Қобил Зоирович САИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика «Ўзагропромстройтеплица» трести жамоаси трестнинг «Малик» фирмаси директори А. Расуловга онаси

Баҳринисо РАСУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси «Мотор» рўзномасининг муҳаррири Ф. Абдураҳимовга падари бузруквори

Абдураҳим СОДИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади, ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси институт ректори, профессор М. Шарифхўжаевга опаси

Жўрахон ШАРИФХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ МУШТАРИЙЛАРИМИЗГА ХАБАР ҚИЛАДИ:

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Узоқ-яқиндаги қариндошлар, дўстлар ва биродарлар, таниш-билишларингизни байрамлар, юбилей, тўй ва таваллуд кунлари муносабати билан газетада қутлов эълон қилишни истайсизми?

Меҳнат илғорлари, бир жойда энг кўп йил бенуқсон ишлаганлар, давлат мукофотларига сазовор бўлганлар, ёшларнинг мураббийлари, уруш ва меҳнат фахрийларини корхона, хўжалик ва ташкилотлар номидан газетада суратлари билан табриклаб кўнглини шод қилишни истайсизми?

МАРҲАМАТ, ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИРМИЗ

Тошкент шаҳри ва унинг яқин-атрофидан сиз истаган тарзда табрик ва эълонлар матнини тузиш, сурат олиш, бошқа ахборотларингизни қабул қилиш учун ҳузурингизга редакция вакили боради. Сиз овора бўлиб юрмайсиз.

Бемалол телефон қилинг.

«СОТАМАН», «АЛМАШТИРАМАН», «СОТИБ ОЛАМАН», «ИЖАРАГА БЕРАМАН» ВА ҲОКАЗО ЭЪЛОНЛАРГА ГАЗЕТАМИЗ САҲИФАЛАРИ ОЧИҚ.

«ЭНГ ҚУЛАЙ, ЭНГ АРЗОН!»

Бугунги даврий нашрлар ичида эълон бериш учун «Ўзбекистон овози» энг арзон ва энг қулай газетадир. Бошқа жойларда эълонингиз чиқиши ҳафта, ўн кунлаб чўзилса, «Ўзбекистон овози»га бугун берилган эълон эртасига газет юзини кўради.

«Ўзбекистон овози»да чиққан эълон ва билдирувлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида яшовчи камида 30 миллионлик аҳоли ўртасида тарқалади. Харидор ва мижозларингиз бирданига юз, минг марта ортишига шубҳа йўқ!

Марҳамат, ҳузуримизга келинг, хат ёзинг, қўнғироқ қилинг:

• МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент—ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй, 3-қават, 314-ва 346-хоналар. • ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 32-54-14 | 33-65-45 | 33-41-89

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 32-57-20, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-70, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70

Навбатчи муҳаррир: Ҳ. НОСИРОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—20.45. Г—394. № 201. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12